

Мусулмон умматининг энг яхши асри



09:24 / 30 январь 2401

Оиша розияллоху анҳо айтади:

«Набий соллаллоху алайҳи васалламдан: «Одамларнинг қай бири яхши?» деб сўрашди. Шунда у зот: «Менинг замондошларим. Сўнг кейингилар, сўнг кейингилар», дедилар».

Муслим ривоят қилган.

Мусулмон умматининг энг яхши асри илк уч аср эканини ҳамма бир овоздан таъкидлаган. Ана шу уч аср мусулмонлари «салафи солиҳ», яъни «ўтган солиҳлар» деб номланадилар. Саҳобалар, тобеъинлар ва табаъ тобеъинлардан иборат бу уч авлод мусулмонлари даврида Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам ушбу ҳадиси шарифларида айтган башоратлари юзага чиқди. Салафи солиҳлар Исломни ўз ҳаётларига мукамал татбиқ қилдилар. Улар ҳар бир масалада келажак авлодлар учун тўлиқ намуна бўладиган ишларни амалга оширдилар. Бунинг учун уларнинг икки устунликлари бор эди. Биринчиси – Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламнинг даврларига яқинликлари, иккинчиси – арабий табиатларининг софлиги.

Салафи солиҳларимиз шариатнинг барча соҳаларида: ҳам эътиқодий (ақийда), ҳам амалий (фиқҳ), ҳам ахлоқий (тасаввуф) соҳаларида каттаю кичик барча масалаларни Қуръони Карим ва Пайғамбар соллаллоху алайҳи

васалламнинг суннатлари асосида, ижмоъ ва қиёсни ишга солган ҳолда ҳал қилдилар ва уларга ечим топиш усулларини тўлақонли ва тартибли қоидалар билан асосладилар. Кейинги авлод мусулмонларига ўша манбалар асосида ўз ҳаётларида пайдо бўладиган янги масалаларни ҳал қилиш қолди, холос.

Шунинг учун ҳам Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг башоратлари ила воқеликда Ислом умматининг афзали бўлмиш салафи солиҳларимизни, хусусан, уларнинг гултожи бўлмиш саҳобаи киромларни барча давр ва макон мусулмонлари эъзозламоқлари лозим. Уларнинг муборак ҳаётларини яхшилаб ўрганиб, улардан ўрнак олмоқлари керак.

«Рошид халифалар» деган номни олган тўрт саҳоба – Абу Бакр, Умар, Усмон ва Алий розияллоҳу анҳулар Ислом умматининг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан кейинги энг яхши ва афзал намояндаларидир. Шунингдек, улар Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг энг яқин саҳобаларидир. Бу тўрт буюк саҳобалар исмлари зикр қилинган тартибда мусулмон умматига раҳбарлик қилганлар. Уларнинг фазлини Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари айтиб ҳам қўйган эдилар.

Ирбоз ибн Сория розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сизларга менинг суннатимни ва ҳидоятга солинган рошид халифалар суннатини тутиш лозимдир, унга тиш-тирноқлар билан ёпишинглар», дедилар».

Абу Довуд, Доримий, Термизий, Ибн Можа ва Ибн Ҳанбал ривоят қилишган.

Ушбу рошид халифалар мусулмон умматига раҳбарлик қилган муддат салкам ўттиз йилни ўз ичига олади. Бу муддат халифаларнинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг йўлларидадан адашмасдан, ҳеч қаёққа бурилмасдан, изма-из боришлари билан ажралиб туради.

Бу даврда мусулмон оламида Аллоҳ таоло Ўз бандаларига рози бўлган тўғри йўлдан юрилди.

Ушбу муддатда Ислом ҳукмининг энг тўғри сурати гавдаланиб, у ҳар бир ҳокимнинг икки дунё саодатини истаган кишиларга ўрнатилган бўлиши учун намоён бўлди.

Ана ўшанда мусулмонларга мукаммал салоҳият ва бахтиёр ҳаёт таъминланиши ваъда қилинди. Ушбу муддатда Ислом тамаддуни ўзининг энг юқори чўққисига чиқди. Бунда ақийдага эргашувчи инсоний тамаддун ва инсоннинг саодатини юзага чиқариш учун ҳаракат қиладиган тамаддун кўзда тутилади. Ана шу муддатда кишилар тугал саодатга, тенгликка, адолатга, омонликка, хотиржамлик ва асосий эҳтиёжларининг қондирилишига эришдилар.

Ушбу муддатнинг охирига келиб мусулмонларни ларзага солган фитналар юз берди. Ўша фитналар мусулмонларни турли оқим ва фирқаларга бўлиб ташладики, бу нарсалар ҳозиргача давом этиб келмоқда. Аллоҳ таолонинг Ўзи ёрдам сўралгучи Зотдир.

«Ислом тарихи» биринчи жузи асосида тайёрланди

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 14 мартдаги 03-07/1733-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.